

**РЕСПУБЛИКА “ОИЛА” ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
МАРКАЗИ**



Оила кутубхонаси

Мунаввара Ёқуббекова

ОНАЮ БОЛА – ГУЛУ ЛОЛА



Тошкент – 2016

Ёқуббекова Мунаввара. Онаю бола – гулу лола. -Т:РОИАМ, 2016, 27 бет.

Мазкур рисолада она ва бола ўртасидаги ҳиссий, биологик, маънавий боғлиқликнинг табиати ҳақида, онанинг фарзанд парвариши ва тарбиясидаги муҳим ўрни ва роли ҳақида сўз боради. Она-бола соғлиги ва фаровонлигига эътибор бериш борасидаги давлат сиёсати ҳамда бу сиёсатнинг самарали амалга оширилаётганига доир мулоҳазалар билдирилади.

Рисола ёш ота-оналарга, маҳалла фаолларига. шу соҳада иш олиб бораётган тадқиқотчиларга мўлжалланган

Мазкур рисола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг А-1-069 рақамли “Ўзбекистонда оила институтини ривожлантириш ҳамда баркамол авлод тарбиясининг маънавий-ҳуқуқий, тиббий-психологик ва демографик омилларини тадқиқ этиш” мавзусидаги лойиҳа доирасида яратилди.

Республика “Оила” илмий-амалий маркази Илмий-услубий кенгаши йиғилишининг 2016 йил 27 майдаги 2-сонли баёни билан нашрга тавсия этилган.

Нашр учун масъул:

Ҳ.Х. Мамадалиева – Республика “Оила” илмий-амалий маркази директори в.б., иқтисод фанлари номзоди

Тақризчи: Л.Р.Мўминова – педагогика фанлари доктори

Сўз боши

Мустақил Ўзбекистонимизда мустаҳкам оилаларни шакллантириш, уларда соғлом руҳий муҳитни қарор топтириш, оила тарбиясининг самарадорлигини ошириш, оила муҳитида тарбияланаётган фарзандларнинг ҳар жиҳатдан етук, баркамол бўлиб вояга етишларига алоҳида аҳамият бериш энг муҳим, устувор вазифалардан саналади. Юртимизда аёлларнинг меҳнат соҳаси ва жамоат ишларида фаол қатнашишини оналик билан боғлаб, кўшиб олиб бориши учун яхши шароитлар яратиш, оналик ва болаликни ҳар жиҳатдан муҳофаза қилиш қатор йиллар Давлат дастурларида таъкидлаб кўрсатилган.

Президентимиз сўзлари билан айтганда: “Биз мустақилликка эришганимиздан сўнг соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, биринчи новбатда, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масаласини ўзимиз учун энг муҳим, устувор вазифа сифатида белгилаб олдик”.

Соғлом бола, соғлом авлод – юрт келажаги. Шу сабабли оила ва ота-онанинг соғлом ва ҳамжиҳат бўлиши аجدодларимиздан бизга ўтиб келаётган интилишдир. “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади” деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб ғояни жамиятимизда теран англаш ҳамда қарор топтириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эҳтиром муҳитини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, оила институтини барқарорлаштиришда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни кўзда тутди.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида уқтириш керакка, болалар тарбиясида асосий таъсирчан куч-қудрат, бу – онадир. Президентимиз айтганларидек: “Оилани ҳам, жамиятни ҳам бирлаштириб, унга файзу барокат киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналардир”. Шундай экан, оила муҳити, қолаверса, болаларнинг келажаги, уларнинг руҳий дунёси ижтимоий тасаввурларининг ижобий ва бой бўлиши кўп жиҳатдан оналарга боғлиқ.

Баркамол авлод орзусини амалга ошириш, уни ҳаётий воқеликка айлантириш учун оналарнинг фарзандларига ижобий таъсир кўрсатиш

омилларини имкон қадар кенгайтириш, маънавий-маърифий жиҳатдан кучайтириш зарурати мавжуд. Уларни янги, илғор илмий-педагогик технологиялар билан қуроллантириш эса, бу куннинг долзарб, кечиктириб бўлмас вазифаларидандир.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун оналарга аталган ўқув қўлланмалар, услубий тавсиялар, ҳамда оммабоп рисоалар, тўпламлар, турли замонавий ишланмаларни тайёрлаш ва тақдим этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан синовдан ўтган тадқиқот натижалари асосида оилада баркамол авлод тарбиясига самарали хизмат қила оладиган омиллари, усул ва материалларни халқ оммаси ҳамда мутасадди мутахассисларга тақдим этишда Республика “Оила” илмий-амалий маркази оилашунос олимларининг алоҳида ўрни бор. Оилашунослар ўз тадқиқотлари натижаси ва хулосаларини, оилалардаги муаммоларни бартараф қилиш борасидаги таклиф ва тавсияларни мутасадди ташкилотларга тақдим этиш билан бир қаторда, оилашуносликка тааллуқли билим ва кўникмаларнинг ҳар бир оилага, ҳар бир ота-онага етиб бориши учун астойдил ҳаракат қиладилар.

Улар томонидан чоп этилган: «Момом берган ўғитлар», «Қайнонажон, қайнона», «Гўзаллик алифбоси», «Аллаларда оиланинг оппоқ орзуси», «Алла – жоннинг роҳати», «Эгиз мўъжиза учун алла», «Оилада гўдак парвариши», “Расм чизиш фарзандингизга нимани ўргатади?” каби рисола ва қўлланмалар оналар учун муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур рисола ҳам юртимизда истиқомат қилаётган оилалар ҳаётига ижобий таъсир кўрсатиб, оналарнинг фарзандларини ҳар жиҳатдан баркамол инсон қилиб тарбиялаш ишига кўмакдош бўлади, дея умид қилиб қоламиз.

Хафиза Мамадалиева
иқтисод фанлари номзоди,
Республика “Оила” илмий-
амалий маркази директори в.б.



Оналарга хосдир меҳру мурувват

Меҳри жаҳон, жаннат макон, фидожон,
Олам ичра қиёси йўқ бир олам!

(Шухрат)

Болажонлик, меҳру мурувватлилик, ўзидан кечиб ғамхўрлик қилиш каби фазилатлар оилаларимизнинг чароғбони бўлган онажонларга хос бўлган муҳим хислатлардандир. Барча бирдай “Буюк зот” дея эътироф қилувчи “Волидаи муҳтарама” дея эъзозлагувчи оналарга халқимизда эзгулик тимсоли сифатида қарайдилар.

Академик шоиримиз Ғафур Ғулом оналар ҳақида: “Эй, мени бағринг билан парвариш қилган она! Эй, менга борлиғини қарз берган она! Эй, менинг тарбиям учун кўз юммасдан Ҳулкарлар кўзларингга чўккан она!.. Дунёда онадан ортиқ ким меҳрибон!”- деб ёзган эди.

Оналар – оиладаги маънавиятнинг кўзгуси, муҳаббат ва оқибат сарчашмаси. Оиланинг ҳаёти она қалбидаги жўшқин муҳаббатдан нурафшон. У офтоб мисол хонадондаги барчага ҳарорат ва зиё улашади. Барчанинг ташвишини чекиб, мушкулини осон қилишни ўзи учун саодат деб билади. Унинг меҳнат-машаққатлари, фидокорлиги беғараз ва беминнат. Оилада тақчиллик, камхаржлик юзага келса, она фарзандига емай, едиради; киймай, кийдиради. Кун давомида қанчалик чарчамасин, фарзандлари ороми йўлида узоқ тунларни бедор ўтказишга тайёр туради.

Оналар ҳақида қанчадан-қанча қўшиқ ва мадҳиялар тўқилган, романлар ёзилиб, фильмлар олинган.

Оиланинг чароғбони бўлган оналар фарзандлари тарбияси ва парваришига ўзларини буткул бахшида этган энг фидойи ва заҳматкаш инсонлар саналадилар.

Фарзанд кўришга орзуманд бўлиб юрганларида, фарзандни ўз жисмида ҳис этган, ўз юраклари остида яна бир юрак ураётганини сезган кундан бошлаб, оналар эзгу орзулар, яхши ниятлар, ширин ташвишлар оғушига ғарқ бўладилар. Шу кундан ҳомилани авайлаш ва унинг соғ-омон дунёга келиши борасида қайғура бошлайдилар. Юраги остидаги жигаргўшаси уларнинг ҳаёти мазмунига айланади.

Бўлғуси оналар зурриёдларини тўққиз ою тўққиз кун авайлаб, ардоқлаб кўтариб юрадилар. Орзуларининг олтин тожи бўлган фарзанди, соғлом ва дуркун гўдаги дунёга келишини ширин бир энтикиш билан кутар эканлар, ҳомиланинг ривожланишидаги ҳар бир янги ўзгариш оналарни ёқимли ҳаяжонга солади. Уларнинг барча хатти-ҳаракатлари шу мурғак жоннинг эсон-омон, беҳатару бешикаст туғилишига қаратилади.

Чақалоқ туғилган кундан бошлаб эса, оналар бор меҳрини бериб унинг парвариши ва тарбиясига киришадилар. Жажжи мавжудотни иссиқ бағрларига босиб, ҳар хил хавфу хатарлардан ҳимоя қилиш, тинчлиги, соғлиги, фаровонлиги учун қайғуриш оналарнинг энг муҳим вазифасига айланади.

Онанинг қайноқ ҳисларини В.Г.Белинский шундай изоҳлайди: «Она ўз фарзандини қалби, қони-жони билан, ўзининг бутун вужуди билан севади, унинг муҳаббати аввало жисмоний, бинобарин, ғоят катта муҳаббат, ҳақиқий муҳаббатдир. У ўз фарзандини бағрида олиб юради, тўққиз ой боқади ҳамда ўз қони билан уни ўстиради; ўзида унинг дастлабки ҳаётий ҳаракатини ҳис қилади; фарзанд онанинг пушти камари, қони ва жони; уни она азоб-уқубатлар билан дунёга келтиради ва бу азоб-уқубатлар учун ёмон кўриш ўрнига, уни янада кўпроқ севади... Она фарзандлари учун қурбон бўлишдан ҳам қайтмайди... Онанинг муҳаббатидан муқаддасроқ ва беғаразроқ нарса йўқ».

Юқорида келтирилган фикрлар фарзанднинг она учун энг суюмли ва ардоқли хилқат эканидан, онанинг меҳру муҳаббати чексиз эканидан, муҳаббатнинг буюк мўъжизакор куч эканидан далолат беради. «Муҳаббат – муҳаббат туғдирувчи кучдир» деган эътирофдан келиб чиқадиган бўлсак, бу

меҳру ардоқ кейинчалик фарзанднинг ота-онага, элу юртига муҳаббати тарзидаги жавоб ҳиссини туғдириши табиий.

Шоир Туроб Тўла ёзганидай: “Бормикин иссиқ, илиқроқ бир бағир, Олам ичра онаизор бағридан”. Бошқача қилиб айтганда, оналар фарзандларини тўққиз ой ўз жисмларида, уч ёшгача қўлларида, ундан кейин эса бир умр юракларида олиб юрадилар.

Оналар суюкли фарзандларига энг порлоқ келажакни, энг олий бахтни раво кўрадилар. Бунинг учун болажонига соғлик, яхши тарбия, билим ва тажриба керак бўлишини яхши англайдилар. Улар фарзандларини вояга етказиб, уйли-жойли қилишни ўзларининг энг муҳим вазифалари, мукаддас бурчлари деб биладилар.

Оналар фарзандлари учун бутун ҳаётини бағишлайдиган танти инсонлардир. Ўтмиш файласуфларидан бири: «Парвардигор дунёдаги барча инсонларга ғамхўрлик қилишга, уларни турли бало-қазолардан асрашга улгурмай қолишдан кўрқиб, ўзига ёрдамчи қилиб оналарни яратган бўлса керак» деган экан.

Бу фикрга мантиқан мос келувчи афсона ҳам бор.

«Фоний дунёга гўдак танасида яшаш учун юборилаётган руҳ таваллудидан бир кун аввал Парвардигордан сўрабди:

- Айтишларича, эртага мени ер юзига яшаш учун жўнатар экансизлар. Ахир мен жажжи ва ҳимоясиз бўлсам, у ерда қандай қилиб ҳаёт кечираман?

Парвардигор жавоб берибди:

-Мен сени интизорлик билан кутаётган, ғамхўр фариштага топшираман. У сени асраб-авайлайди, боқади, ювиб-тарайди, бало-қазолардан ҳимоя қилади.

-Унинг исми қандай, уни нима деб чақираман?

-Унинг исми жуда осон, пайти келганда, «Она» деб чақирасан».

Инсоннинг бадий ҳаёлотини яратган ушбу ижод намунаси ҳам она ва бола ўртасидаги муносабатлар одам зотига тақдири азал тухфа этган илоҳий ва мўжизавий неъмат эканлигини кўрсатиб турибди.

Оналик мақоми – бир умрлик мақом. Фарзанди неча ёшга кирмасин, у она учун болалигича қолади. Барча инсонларнинг жони ўз танасида бўлса, оналарнинг жони, кўнгли ҳамини боласида бўлади.

“Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада”-деганларича бор. Болага ҳеч ким онадай интиқ эмас, бола ҳеч бир маконда ўзини она

бағридагидай хотиржам, хушбахт сезмайди. Боланинг ютуқларидан ҳеч ким онадай севиниб, ғурурланмайди. Боласи йўлдан тойса – йўлайдиган, қийналса – кўмакка шошилиб кўллайдиган ҳам аввало оналар. Оналарнинг ниятлари эзгу, хизматлари беминнат.

Машхур педагог Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китобида: “Тарбия кимлар қилур? Қандай қилинур?” деган саволга шундай жавоб беради: “Биринчи уй тарбияси. Бу она вазфасидир”,

О.Бальзак: «Миллатнинг келажаги – оналар кўлидадир»,-дея фикр билдиради. Халқ ҳикматида “Бола – лой, она – кулол”-дейилади. Қадимги ҳинд файласуфлари ҳам оналарнинг билимдонлиги ва савияси мамлакатнинг тараққиёти ёки таназзулини белгиловчи омил эканлигини алоҳида таъкидлайдилар.

Бу фикрларда жон бор. Оналар фарзандни дунёга келтириш, замонасига лойиқ инсон қилиб тарбиялаш билан ўз халқи ва мамлакатининг келажаги қандай бўлишига ҳам таъсир кўрсатадилар.

Ҳамма гап оналарнинг қанчалик билимдон ва тарбияли эканларида. Юртбошимиз: “Замонавий аёл деганда саводхон, мустақил фикрлайдиган, оқни қорадан ажрата оладиган, жамиятда ёт иллатлардан нафақат ўзини, балки тарбияланаётган ёш авлодни ҳам асрайдиган, Ватан тақдири, келажаги ҳақида қайғурадиган, эзгулик доимо дилида жо бўлган фидойи инсон кўз ўнгимда гавдаланади. Унда ишбилармонлик, тадбиркорлик, олиму фозиллик келажагимиз ворислари бўлмиш ёш авлодни комиллик сари бошловчи, Ватанни саждагоҳ каби муқаддас билувчи ўғлонлар тарбиячиси бўлишдек хислатлар намоеён бўлишини хоҳлайман”,-дейиш билан “ёш авлодни комиллик сари бошловчи” онага хос қатор ижобий сифатларни санаб ўтади.

Аждодларимиздан қолган ёдгорликларда Хурмузнинг қизи Аши ҳақида: «Аши ғоз туриб, борлиқнинг улуғ чарҳини бошқарган» деб кўрсатилади. Келиб чиқадики, халқимизнинг: “Аёл бир қўли билан бешикни, иккинчи қўли билан дунёни тебратади” ибораси бежиз айтилмаган экан.

Демак, оналар мумтоз мукамаллик сари интилиб, барча билим ва фазилатларини фарзандларига узатишлари барча даврларга хос бўлган ҳақиқат экан.

Донолар: “Она қариб, дармонсизланиб қолган бўлса, камситма – у ёшлигини, куч-қувватини болаларига бахшида қилган. Онани хунук дема – у чиройини фарзандларига бўлиб берган” дея ўғит берадилар.

Шоира Турсуной Содикова ҳам “Муънисим онам” шеърида оналарнинг фарзандларига ўзини буткул бахш этишини қуйидагича ифодалайди:

Онам бир пайт дилбар экан хўб,
Бир боғ беда экан кокили.
Тенги ичра баҳордаин шўх,
Толмас экан қувнабу кулиб.
Толмас қўли, олмос феълини
Берди барин бизга аямай.
Биз болалар, бебош болалар,
Сарф айладик уни пойма-пой.

Ҳа, оналарнинг фарзандлар истиқболи, камолоти йўлида фидойилиги мислсиз меҳру муҳаббати, эзгу ва умидбахш орзу-истакларидан қувват олади. Волидаи муҳтарамаларимиз ўз меҳру муҳаббатларини оқ сутлари, ширин эркалатишлари, жонбахш аллалари билан фарзандининг жисму жонига, онгу шуурига сингдирадидилар. Оналар қанчалар меҳрибон, соғлом, билимдон, меҳнатсевар ва тадбирли бўлсалар, уларнинг болалари ҳам ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етадилар. Зеро, мурғак жонни, оппоқ, покиза кўнгилни тарбиялаб вояга етказган инсон истеъдод ва иқтидорда анча-мунча ижодкор ва алломадан қолишмайди.

Боласининг тарбияси ва парвариши йўлидаги сафарбарлик она саломатлигига, руҳиятига, жисму жонига ижобий таъсир кўрсатади. Оналик бахтидан хушхонлик аёл кишининг чехрасига ўзига хос латофат бағишлайди. Фарзанди тақдири учун масъуллик эса, ҳар жабҳада мулоҳазали бўлишга ундайди. У кундан-кунга хушрўй, хуш ахлоқ ва заковатли бўлиб боради. Шу боисдан ҳам «Болали хотин – гул хотин», дейди халқимиз.


Болали хотинни гулга ўхшатишлари халқимизнинг гулга бўлган эътиқодидан далолат беради. Гуллар кишилик жамиятининг доимий йўлдоши. Шодиёна дамларида ҳам, мотамсаро, маҳзун кунларида ҳам кишилар бир-бирларига гуллар, гулдасталар тақдим этадилар. Тантаналар ўтказиладиган давраларни гуллар билан безайдилар. Инсоннинг маданий-маиший ҳаётида гулларга алоҳида ўрин берилгани инсон маънавиятида гулга ошуфталик мавжудлигидан.

Инсониятни нафосат ва эзгуликка йўлловчи, бунёдкорлик ва меҳру мурувватга ундовчи гуллар – сайёрамиз табиати тадрижининг нодир

ҳосиласи. Оламни дидсизлик, лоқайдлик, бадбинлик иллатлари хуружидан кутқаришда гулларнинг алоҳида ўрни бор десак адашмаймиз. Буюк эртакчи Ганс Христиан Андерсен «Яшамок учун қуёш, эркинлик ва кичкинагина гул керак», – деб айтган эди.

Дунёдаги барча халқлар гулларни гўзаллиги, хушбўйлиги ва мукамаллиги учун суйиб эъзозлайдилар. Гулларга боқиб кишилар ҳаётнинг тотини, борлиқнинг нафосатини тўлароқ ҳис этадилар. Инсоннинг онгли ҳаёти бошланиши биланоқ гуллар турфа ранги, анвойи шакли, хушбўй ҳиди, табиий хоссалари билан кишиларни ўзига жалб этиб келган. Гулларнинг турфа хислатлари, кўрку таровати халқимизнинг ижодкор даҳосига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Халқ амалий санъатидаги турли шаклларда гулларнинг акси, рамзи инъикос этади. Оғзаки ва ёзма бадиий адабиётимиздан гул рамзий образ, ташбеҳ тимсоли, метафора ва сифатлаш тариқасида мустаҳкам ўрин олган.

Дунёдаги энг гўзал жуфтлик – она ва болани ҳам халқимиз “Она билан бола – гул билан лола” мақоли воситасида тавсифлайди. Бу жуфтлик шунчалар ёқимтой, нафосатлики уни кўрган кишининг юзларига табассум югуради, кўнгли юмшайди, қалбида эзгу ҳислар уйғонади. Балки шунинг учун инсоният тарихида фарзандини бағрига босган аёл гўзаллик ва меҳру мурувват рамзига, фидойилик маъбудасига айланиб кетган.





Болдан ширин болажонлар

Болалар жуда ширин, ёқимтой бўлишади. Уларни кўриб, кўз қувонади. Қийқириб кулишлари, талпинишлари, теварак-атрофга кўз ташлаб “гу-гу”лашлари киши кўнглини эритиб юборади. Мутахассисларнинг кўрсатишларича, бола чақалоқлик пайтидан бошлаб, онасининг овозини, қўлларини, хатто юрак уришини ҳам фарқлар экан.

Маълумки, туғилгандан бошлаб, гўдакнинг исми тез-тез тилга олинади. Исмини англаши ва эслаб қолиши учун эркалагандай қилиб, диққатини тортувчи риторик мурожаат тарзида отини айтиб чақирилади. Исмини эшитганда, атрофдагилар бу сўзни унга меҳр ва эркалаш билан қайта-қайта айтганлари ёдига тушади. Унинг учун энг ёқимли бўлган овоз – она овози бу сўзни алоҳида меҳр билан талаффуз қилганда ўзи учун қадрдон бўлган товушлар бирикмаси – исмини дарҳол илғаб олади. Боланинг исми она томонидан эркаламалар, овутомачоқлар, аллалар таркибида такрор ва такрор айтилганда эса, бола ўзининг суюмлилигини, ҳимояланганини яхшироқ ҳис этади.

Мутахассисларнинг кўрсатишларича, бола чақалоқлик пайтидан бошлаб, онасининг овозини, кўлларини, хатто юрак уришини бошқаларникидан фарқлар экан.

Бу пайтда болажонга меҳрибонлари ва яқинлари орасида энг кераги – онаси. Бола ўз онаси билан туғилгунгача жисман боғланганлиги боис, бу биологик боғлиқлик яна ўн йиллар ўз таъсирига эга бўлар экан. Доимий ҳимоя, парвариш ва тарбияга муҳтож бўлган пайтида мурғак жонга ғамхўрлик қилишнинг бор масъулиятини фақат энг яқин кишисигина ўз зиммасига олаолади. Бу зот – онадир.

Она жигаргўшасини еру кўкка ишонмайди. Боланинг она томонидан қанчалик севилиши, эркалатилиши халқимизнинг: “Қора кўнғиз боласини – **оппоғим**, типратикан – **юмшоғим**, дер экан” тарзидаги таъбиридан ҳам кўриниб турибди. Араб халқидаги шунга ўхшаш мақолда айтилишича: “Кўнғиз онасининг кўзига жайрон бўлиб кўринади”.

Халқ аллаларида оналар фарзандларини кўпинча: “Гулу лолам, алла” дея гулга, гулларнинг гўзал турларига киёслайдилар. Гулнинг мантиқий жиҳатдан «фарзанд» тушунчасини англатишида гулдаги гўзаллик, нозиклик, хушбўйлик, мукамал мутаносиблик хусусиятлари алоҳида аҳамият касб этади. Муҳим мослик яна шундаки, гўдак ҳам, гул ҳам ўсиш, ўзгариш, тараққиёт ва етилиш жараёнининг бошланғич нуқтасида турадилар. Шунинг учун ҳам аллаларнинг кўпчилигида фарзандга “гулим”, “лолам” деб мурожаат қилинади.

«Гулим», “лолам” дейиш билан «мен учун энг ёқимли», «менга қарашли», «мен асраб парвариш қилаётган», «нозиккинам», «нафосатлилим», «менинг нишонам, ҳосилим», «ҳаётимнинг давомчиси» каби таъкидларни бирваракай ифодалай олгани учун ҳам она бу рамзий тимсолларга қайта-қайта мурожаат қилади.

Табиийки, лирик қаҳрамон она ёки буви бўлганидан, «гулим», “лолам” ифодасининг таъсирчанлиги, ғоявий-бадий кучи янада бўртиб кўринади. У ўғил ёки қиз фарзандга нисбатан айрим-айрим ҳолда кўлланилмайди, жинсидан қатъи назар, ўрни билан, оиладаги барча фарзандларга нисбатан ҳам истифода этилиши мумкин.

Масалан бир фарзандга: «Гулу райҳоним, болам, алла», «Кичкинасан, лоласан, алла»; фарзандлар иккита бўлса: «Кўш бешикда кўш гулим» ёки «Қизил лолам, оқ лолам» тарзида куйланади.

Гулу лоладай митти жон тўм-тўм кадам босганда, биринчи сўзларини, илк жумлаларини айтиб ғулдираганда жуда завқланамиз. В.Гюго, дунёда жажжи болакай тилидан айтилган сўзлардан ёкимлироқ мадҳия муסיқаси йўқ эканлигини таъкидлаганда, ҳақ эди. Халқ аллаларида бу ҳолат: «“Буви”, -деган тилингдан, Оби новвот томчилар» тарзида тасвирланади.

Икки-уч ёшли бўлганларида – болажонларни ҳақиқий подшоҳларга қиёслайдилар. Беш ёшгача табиат уларга шу қадар чексиз имконлар берадики, болажонлар хотирага олиш, англаш, ривожланиш борасида энг юксак мақомга эришадилар.

Ана шу пайтда фурсатни қўлдан бермаслик зарур. Унинг турфа хил қизиқишлари, адоғи йўқ саволларига жўяли жавоблар топиб бериш керак бўлади.

Гўдаклик пайтида онанинг сути, меҳри ва ғамхўрлиги бола ривожини учун қанчалар муҳим аҳамиятга эга бўлса, мактабгача ёшдаги бола учун онанинг эътибори, билими ва раҳнамолиги шунчалар аҳамиятлидир.

Оилавий тарбиянинг мукамал бўлиши учун жисмоний ва ақлий камолотнинг бирон жиҳатини ҳам кўздан қочирмаслик зарур бўлади. Фарзандлардаги истеъдод ва салоҳият қирраларининг уйғун равишда ривожлантирилиши кутилган натижага эришишнинг муҳим шартидир.

Президентимиз И.Каримов айтганларидай: “...фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт”. Зотан болалар ўзларининг беғубор ва шўхчан табиатларига кўра, оилаларининг бахту қувончидирлар. Улардаги муқаддас покликнинг, биринчи галда, оналар томонидан қўллаб-қувватланиши муҳим аҳамият касб этади.

Фарзандни парвариш қилиш ва ҳар жиҳатдан баркамол инсон қилиб етиштириш йўлидаги энг масъулиятли вазифалар сирасига қуйидагиларни киритишни зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Оилада экологик, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан соғлом муҳит яратиш.
2. Фарзандларнинг жисмоний, ижтимоий, маънавий, ақлий юксалишига раҳнамолик қилиш.
3. Болаларда ХХI асрга хос ва миллий менталитетимизга мос маданиятни шакллантириш.

Фарзанд – оилани мустаҳкамловчи, оила аъзоларини фарзандлар камолини кўришдек эзгу мақсад йўлида жипслаштирувчи олий мўъжиза. У – оиланинг келажаги, нафақат оиланинг Ватаннинг келажаги.

Фарзанд парвариши ва тарбияси узлуксизлик ва изчиллик асосида амалга оширилади. Бу жараёнда сусткашлик, эътиборсизлик, пайсалга солишга йўл қўйиб бўлмайди. “Бугун вақтим йўқ”, “Кеч бўлди – эртага”, “Янаги сафар”, “Бу арзимас масала”, “Катта бўлгунча йўлга солиб оламан” қабилида муносабатда бўлиш нотўғри. Бой берилган ҳар бир фурсат катта имкониятларни йўқотишга сабаб бўлиши мумкин. Тарбия жараёнида ҳамма нарса муҳим.

Юртбошимиз таъкидлагандай: “...келажаги буюк давлатни соғлом мафкуралари, маънавий баркамол авлод барпо эта олишини назарда тутиб, комил инсонни тарбиялаш борасидаги ишларни истиқболда ҳам давлат сиёсати даражасида кучайтириб бориш ва умумхалқ ҳаракатига айлантириш” ишига, оналар билан бир қаторда, барчамиз масъулмиз.



Бола соғлиги – она бойлиги

Оиланинг мўъжаз муҳитида, оила яшаб турган маконда фарзадларининг ҳаёт кечирishi, улғайishi, камол топиши учун жонсиз ва жонли табиат неъматлари ва инсон қўли билан бунёд этилган омиллар ўз таъсирини ўтказади.

Жонсиз табиий омиллар: ҳаво, сув, тупроқ, ернинг магнит майдони, ҳарорат, намлик, ёруғлик, товушлар сингари кўрсаткичларни ўз ичига олади. Бу омилларнинг турли даражада воқе бўлиши оила аъзоларнинг саломатлигига ижобий ёки салбий таъсир қилади. Жонли табиат неъматларига: барча тирик нарсалар – ўсимлик, ҳайвонлар, микроорганизмлар киради.

Хонадонларда ва ҳовлиларда гул ўстириш, уй ҳайвонларини боқиш, оилавий равишда кўкаламзорлаштириш тадбирларида иштирок этиш, болаларни жонли табиат билан кенгроқ таништирувчи саёҳатлар уюштириш, уларда ўсимлик ва ҳайвонларга нисбатан эҳтиёткорлик ҳиссини тарбиялайди.

Инсон қўли билан бунёд этилган омиллар – бу инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган атрофдаги нарсалар ва воқеалардир. Барча ижтимоий, жумладан оиладаги муносабатлар ҳам антропоген табиатга эга. Оила миқёсидаги деярли барча нарсалар одам фаолияти таъсирида ўзгарган. Булар: мебель, асбоб-ускуналар, китоб-дафтарлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, рўзғор буюмлари ва ҳо казо. Улар инсоннинг фаолияти иштироқида ва унинг эҳтиёжига мувофиқ бунёдга келган. Оила аъзоларнинг ўзаро муносабатлари ҳам ҳайвонлардан фарқ қилганлиги учун ана шундай хусусиятга эга.

Оналар бола организми қандай ўсиши, ишлаши, инсон организми учун нима фойдали ва нималар зарар эканлигини, нималар жисмоний, ақлий ва маънавий юксалишнинг негизи эканлиги ҳақида элементар маълумотларни билишлари зарур. Бу оилада болаларнинг соғлигини сақлаш ва фарзандларни тўғри тарбиялаш имконини кенгайтиради.

Болани ўта эркалатиб юбориш, унинг барча истакларини бажо келтириш, инжиқликларини кўтариш ҳам тўғри келмайди. Фарзандларимизга у оиланинг тўла ҳуқуқли аъзоси эканини англашти даркор. У оилада ўз ҳуқуқи ва бурчлари борлигини билиши лозим.

Хонадонимизда боланинг ўз иш столи, китоблари, буюмлари, хонаси ёки, ҳеч бўлмаганда, бурчаги бўлиши муҳим.

Фарзанднинг хулқ-атвори ўзгарганда унга биринчи ёрдам берувчилар оналар бўлиши зарур. Жисмоний касаллик бошлангунча болада ҳатто тажрибали шифокор англай олмайдиган, руҳий силжишлар рўй беради. Меҳрибон ва зийрак оналар боланинг юриш-туришидан, хулқ-атворидан, кўринишидан фарзандидаги ўзгаришни сезадилар. Бу бирор касалликнинг яширин даври, боланинг бошқалар билан мураса қилолмаётгани, ҳатто зарарли одатларга ўргана бошлаган даври бўлиши мумкин. Оналарнинг бундай вазиятларда болага меҳр ва эътиборни оширишлари, уни яхши кўришларини таъкидлаб кўрсатишлари, у билан дилдан самимий суҳбатлашишлари анчайин нохуш ҳолатларнинг олдини олиши мумкин.

Қадимги Хитойда: “Бола 5 ёшгача подшоҳ, 12 ёшгача хизматкор, 12 ёшдан кейин дўст бўлсин”,–дея ўғит беришган. “Хизматкор” деганда, боланинг уй ишларидаги доимий фаол иштироки кўзда тутилган.

Оилада болаларни меҳнат ва тартибга жалб қилиш орқали уларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий камол топишига кўмаклашиб, уни оила ва жамият эҳтиёжларига ҳамоҳанг яшашга ўргатилади.

Ўзбек оиласига хос маданият, тартиб интизомда жуда кўп тарихий шаклланган анъаналар ётади. Лекин бугунги кунда табиат ва жамият ўртасида мувозанатнинг ўзгариши оилада фарзандларнинг ҳар томонлама камол топишида абиотик, биотик ва, айниқса, антропоген омилларнинг ўзига хос таъсир майдонига эга эканлигини кўрсатади. Оиладаги соғлом муҳит болаларни турли зарарли одатлар (чекиш, алкоғол ва наркотикларни истеъмол қилиш, вақтни бекорга ўтказиш)дан асрайди. Оила аъзоларнинг бир-бирига бўлган эътибори ва оқибати болаларнинг ҳар томонлама камол топишида энг самарали воситадир.

Охирги йилларда оилавий ва оммавий спортга ҳамда болалар, аёллар спортига эътибор янада кучайди. “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” спорт ўйинлари, “Универсиада” мусобақалари, Республика аёллар спартакиадаси, бадий гимнастика бўйича халқаро беллашувлар ва бошқалар ўз кўлами ва халқчиллиги билан халқ эътирофини қозонди. Ушбу саъй-ҳаракатлар давлатимизнинг бу борадаги стратегик режаларни муваффақиятли амалга оширишда халқ билан ҳамжиҳат эканлигини исботламоқда.

Стратегик мақсадимиз – миллий генофондни яхшилаш, баркамол ва соғлом авлод тарбияси борасида амалга ошираётган ишларимизни сифат поғонасига кўтаради. Соғлом, жисмонан, рухан бекаму кўст зурриёд кутаётган ота-она, дуркун, яшовчан фарзанд соғлом, насли тоза, ирсий хасталиклари йўқ, қариндошчилиги бўлмаган, ҳар жиҳатдан балоғатга етган жуфтликдан туғилишини билишлари керак.

Оилада фарзанднинг тансиҳатлиги учун амалга ошириладиган қуйидаги ҳаракатларни таъкидлаб кўрсатиш мумкин:

1. Жисмонан бақувват, тетик бўлиб ўсиши учун шароит яратиш.
2. Жисмоний азоб ва зўриқишлардан асраш.
3. Бажариладиган жисмоний машқлар ва юмушларнинг меъёрини қаттиқ назорат қилиш.
4. Жисмоний жазолар қўлламаслик.
5. Уйда, боғчада, мактабда жисмоний тарбия билан тизимли изчил шуғулланишни таъминлаш.
6. Оилада фаол ҳаёт тарзи, фаол дам олиш анъанасини жорий этиш.
7. Ўз танаси тузилиши ва ўз жисмоний имкониятларини билиш ва англашга йўналтириш.

Бу ўринда болага жисмоний жазолар қўлламаслик ҳақидаги таъкидимизга сўкмаслик ва ҳақорат қилмасликни ҳам кўшишни истар эдик. Мурғак қалбга озор бериш, нозик кўнглига жароҳат етказиш оғир рухий асоратларга олиб келиши ва у келажакда кўрс, қайсар, дийдаси қаттиқ, жаҳлдор шахс бўлиб шаклланиши мумкин. “Урсанг эти – сўксанг бети қотади”, “Болани урма – балоси чиқар” каби мақоллар ҳам бунини таъкидлаб турибди.

Фарзандимиз жисмонан ва рухан баркамол бўлгандагина соғломлик, мукамаллик ҳузур-ҳаловатига йўғрилган ҳақиқий инсоний ҳаёт йўлини босиб ўта олади.

Атрофдагилар билан соғлом муносабатда бўлиши учун оила муҳити бирламчи ижтимоий макон вазифасини ўтайди. Оила – универсал ижтимоий институт. Боланинг камол топиши ва фикрлаш фаолияти талабларидан келиб чиқиб ижтимоий эҳтиёжлар вужудга келади. Бунга фикр юритиш, фикр алмашиш (сўзлашиш), ўқиш, ўрганиш, завқланиш, меҳнат қилиш, севиш, севилиш, оила қуриш ва шунга ўхшаш талаблар киради. Ижтимоий эҳтиёжларнинг энг олийси оилавий ҳаётни, оила-никоҳ муқаддаслигини, барқарор оилани англашга бўлган интилишдир.

Боланинг ижтимоийлашуви, оила аъзоси, фарзанд, ука ёки сингил, набира, жиян эканида; маҳалла, шаҳар, мамлакатга дахлдорлигида, унга бериладиган суюнчи пулида, кўрсатиладиган хизматларда, ясли, боғча, мактаб тарбияси билан камраб олинишида ва хоказоларда воқе бўлади.

Боланинг инсон сифатидаги ижтимоий эҳтиёжлари чексиз бўлиб, уларни қаноатлантириш учун ўз вақтида маълум табиий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-психологик шарт-шароит зарур бўлади. Онанинг вазифаси фарзанди ҳаётининг ҳар бир жабҳасида уни ижтимоий эҳтиёж ва шу эҳтиёжнинг қаноатлантирилиши усули, йўл-йўриғи ва механизми билан таништириб бориш. Она уқтиришлари, ўғитлари, раҳнамолиги билан энг зарурий эҳтиёжларининг қондирилишига масъуллик қилади.

Маънавий ва жисмоний соғлом болагина келгусида ўз эҳтиёжларини қондира олиш, ҳуқуқ ва бурчларини англаш, элу юртига сидқидилдан самарали хизмат қилишга қодир бўлади.



Маънавият – фарзандлар камолотининг гултожи

Оиланинг катта ёшдаги аъзолари: бобо, буви, ота, амаки, тоға, амма, холалар қатори она қалбида ардоқлаб, саралаб, сайқаллаб келган инсонийлиги, имон ва эътиқодини фарзанди учун энг ноёб ва энг бебаҳо хазина сифатида тақдим этади. Бу бебаҳо хазина – манавиятдир.

Маънавият ахлоқ, фалсафа, мантиқ, ҳуқуқ, адабиёт, санъат, халқ амалий педагогикаси, этнопедагогика, оммавий ахборот воситалари, урф-одатлар, анъаналар, дин, аждодлар донишмандлиги каби кўплаб тарихий, амалий, замонавий билим ва қадриятлар таъсирида шаклланади.

Президентимиз И.Каримов: “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарларида таъкидлаганларидек, “... айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага хурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одабийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади”. Фарзандлар уйида кузатган маънавий муҳитдан нусха оладилар: “Оиладаги маънавий муҳит ва тарбия туфайли болалар ё меҳрибон ва раҳмдил, ёки худбин ва бағритош” бўлиб ўсадилар.

Англашиладики, юқорида тилга олинган билим ва қадриятларга фарзандларни оилада ота-оналар бошқа катта ёшдаги кишилар йўналтирадилар. Илк маънавият сабоқлари болага оилада берилади. Аввалги бўлимларда таъкидлаганимиздай, бу жараённинг қандай ташкил этилиши ҳам оналарнинг фаоллиги ва ташаббусига боғлиқ.

Фарзандларда бешафқатлик, дангасалик, бефарқлик, маслаксизлик, носоғлом фанатизим, ичкиликбозлик, кашандалик, гиёҳвандлик, пала-партиш турмуш кечириш, ахлоқсизликни тарғиб этувчи ахборотларга ишқибозлик каби қатор иллатларнинг ўринлашмаслиги учун она зийрак, ҳушёр ва жонсарак бўлиши керак бўлади. Фарзандларнинг маънавий дунёсини ижобий мазмунга эга бўлган қадриятлар томон йўналтиришда, болаларни хулқи, эстетик қарашларида баркамаоллик сари рағбатлантиришда она чинакам раҳнамо вазифасини бажариши зарур.

Маълумки, тарбиянинг аниқ рецепти йўқ. Баъзи оилаларда мулойимлик, оғир-босиқлик билан, бошқасида қаттиққўллик, таҳдид билан болани тўғри йўлга солишга интиладилар. Унутмаслигимиз

лозимки, болага фақат нима қилиш лозимлигини англатиш эмас, нима яхшию, нима ёмонлигини билдириш муҳим.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, моддий етишмовчиликни меҳнат, сабр-тоқат, бардош билан енгса бўлади, лекин маънавий инқирозни, маънавий қашшоқликни фақат маърифат билан, ақлий камолот, соғлом фикр билан енгиш мумкин.

Фарзандларимизнинг маънавиятини юксалтиришдан нафақат боланинг ўзи ҳамда оиласидагилар, балки жамият ва давлат ҳам манфаатдордир. Чунки маънавияти юксак шахслар аҳолининг аксарият кўпчилигини ташкил қилган шароитдагина тинчлик, меҳр-муҳаббат, фуқаролар ва миллатлар ўртасида ҳамкорлик, жипслик мустаҳкам бўлади ҳамда давлат барқарор ривожланиб боради.



Доно бўлса онаси – оқил бўлар боласи

Мактабгача бўлган давр боланинг ақлий тарбиясида ҳам муҳим давр ҳисобланади. Чунки, бу даврда пайдо бўлган таассуротлар изи инсон хотирасида умрбод сақланиб қолади. Бу давр боланинг ақлий жиҳатдан тез ўсиши, дунёни билишга интилиши, атроф-муҳитга ўз муносабатини билдириш истаги кучайиб бораётган даврдир. Бу жараёнда болаларнинг ақлий ривожига жиддий эътибор қаратишлари керак бўлади. Оналар томонидан махсус тайёргарлик билан мақсадли амалга ошириладиган машғулотлар, ақлни пешловчи ўйинлар, эртақ, мақол ва топишмоқлардан фойдаланиш яхши натижа беради.

Бола билан ҳар куни шуғулланишга вақт топиш, унинг ёши, ақлий имкониятларини эътибордан қочирмаган ҳолда, вазиятдан келиб чиқиб, қизиқтириш, мажбурлаб, бездириб қўймаслик муҳим. Бу жараёнда доимо хушёрлик, сергаклик, маҳорат, билим талаб қилинади. Кун-бакун аста-секин боланинг ақлий салоҳияти такомиллашиб, у комилликка интилиб боради.

Ақлий ривожланиш фарзандимиз дунёга келгандан бошланиб, унинг бутун умри мобайнида давом этади. Болада онглилик, оқиллик, фикрлилик, ғоявийлик, мақсадлилиқни тарбиялаш муҳим ўрин тутаяди. Ҳар бир оилада боланинг ақлий интилишлари, талаблари, қизиқишларининг қондирилишига, интеллектуал салоҳиятининг ортиб боришига эътибор қаратиш, янги-янги билим берувчи, хотирасини кучайтирувчи, ақлий фаолиятга йўналтирилган тарбиявий жараёни шакллантириш лозим. Шундагина фарзандимизнинг ақлий-маърифий савияси кўрсаткичлари дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларидагидай даражага етиши учун мустаҳкам замин ҳозирланади.

Болаларни ақлий жиҳатдан тарбиялашда улар билан биргаликда ўйналадиган ижодий ўйинларнинг роли каттадир. Она фарзандининг қизиқишларига қараб бундай ўйинларнинг бир қанчасини танлаб олиши, вақти билан, ўйиннинг мураккаблик даражасини ошириб бориши мумкин. Рақамли техника тараққиёти бу борада ота-оналарнинг ишини анчагина осонлаштирди. Улар ўйинларни ҳам, ўйин учун керак бўладиган кўргазма воситаларни ҳам интернет ва компьютер воситасида танлаб, тайёрлаб олишлари мумкин.

Ёши кичик болалар билан сюжетли, драмалаштирувчи, топишмоқли ўйинлар ўйналса, ёши ката болалар билан предметли ўйинлар ўйнаган маъкул.

Предметлар асосида: математик, биологик, экологик, мусиқали, техникавий, жисмоний тарбияловчи, иқтисодий тежамкорлик ва ишбилармонлик, тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ўйинларни танласа бўлади. Ўйин воситалари дастлаб копток, пирамида, куб, расмли карточкарлар каби бўлса, кейинчалик қоғоз ва қалам, харита, китоблар, компьютер, телевизор бўлиши мумкин.

Оилада болаларнинг ижодий қобилятларини маҳоратини ўстириш мақсадида бадиий асарларни, эртак ва ҳикояларни саҳналантириш усулларида кенг фойдаланиш мумкин.

Ўйинларини оилада ташкил этишда қуйидаги вазифалар амалга оширилиши лозим:

1. Ўйинларининг турлари ва уларни ташкил этиш йўллари, усуллари ҳамда услублари билан ота – оналарнинг танишуви.

2. Ўйинларни ташкил этишда менталитетимизга хос маънавий кадрлар ва урф-одатларимиздан келиб чиқиш.

3. Ўйинларни амалга ошириш учун оилада шарт – шароит (ўйин учун жихозлар, атрибутлар) яратиш.

4. Фарзандларни мактабда, маҳаллада, ёшлар марказларида, радио, телевидение, интернет ва бошқа оммавий ахборот воситаларидаги интеллектуал ўйинларга тайёрлаш.

Мавжуд имкониятлардан тўлақонли ҳамда оқилона фойдаланишгина болаларнинг ақлий-интеллектуал ўсишида оналар иштирокининг самарасини белгилайди. Фарзандининг соғлом, салоҳиятли, маънавияти ва маданияти юксак инсон бўлиб вояга етиши – ҳар қандай онанинг муддаоси, бахту иқболидир.



**Ўзбекистон – бахтиёр оналар ва истиқболи порлоқ
болалар диёри**
(Хулоса ўрнида)

Пойтахтимизнинг бош зиёратгоҳи бўлмиш Мустақиллик майдонида Бахтиёр она ҳайкали қад ростлаб турибди. Соғлом ва дуркун боласига меҳр билан термулиб, шодон жилмайиб турган она сиймоси юртимизда она ва болага эътибор қай даражада эканлигини кўрсатиб турувчи рамзий ифодадир.

Мустақиллик йилларида Президентимиз И.Каримов ташаббуси билан ҳар бир йилга алоҳида ном бериш яхши анъанага айланди. Шунга кўра, 1997 йилни «Инсон манфаатлари йили», 1998 йилни «Оила йили», 1999 йилни «Аёллар йили», 2000 йилни, «Соғлом авлод йили», 2001 йилни

“Оналар ва болалар йили”, 2002 йилни «Қарияларни кадрлаш йили», 2003 йилни «Обод маҳалла йили», 2004 йилни “Меҳр ва мурувват йили”, 2005 йилни “Сихат-саломатлик йили”, 2006 йилни “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”, 2007 йилни “Ижтимоий ҳимоя йили”, 2008 йилни “Ёшлар йили”, 2009 йилни «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», 2010 йилни “Баркамол авлод йили”, 2011 йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили», 2012 йилни «Мустаҳкам оила йили», 2013 йилни «Обод турмуш йили», 2014 йилни «Соғлом бола йили», 2015 йилни «Кексаларни эъзозлаш йили» 2016 йилни «Соғлом она ва бола йили» деб номланди. Бу саналарга доир Давлат дастурлари йил номидан келиб чиқиб, ижтимоий ҳаётимизда энг долзарб бўлиб турган масалаларга қаратилди. Барча Давлат ва нодавлат ташкилотлари, бутун халқ бир ёқадан бош чиқариб, мавжуд муаммоларни бартараф этишга киришдилар.

Эътиборлиси, ўн тўққиз Давлат дастурининг ўн олтитаси бевосита ёки билвосита оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этди.

Ўтган чорак аср мобайнида юртимизда тарихий анъана ва эзгу кадриятларни ривожлантирган ҳолда, оналар ва болалар муҳофазаси, уларнинг соғлиғини сақлаш, ҳаёти фаровонлигини юксалтириш йўлида катта ишлар қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрель № ПҚ-1096 –«Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши ва 1 июнь 2009 йилда “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги, 1144-сонли Қарори ҳам, бу масалага қанчалик жиддий эътибор қаратилганини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ”Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги, ”Она ва бола скрининги” Давлат тизимини ташкил этиш тўғрисидаги қарорлари ва шу каби кўплаб ҳужжатлар бу борадаги ишларни амалга оширишда муҳим роль ўйнамоқда

Натижалар эса факт ва рақамларда ўз аксини топмоқда. Адлия вазирлиги тақдим этган маълумотларга кўра, кейинги беш йилда

мамлакатимизда оналар ўлими, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими, чақалоқлар ўлими камайган. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришган.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини таъминлаш, кучли, барқарор ва фаровон давлат негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Давлат дастурида 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш назарда тутилган бўлиб, шу кунларда уларнинг лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда.

Мустақил Ўзбекистонимиз – бахтиёр оналар ва истиқболи порлоқ болалар диёри. Бу йўлда олиб борилаётган ишларимизнинг тадрижий такомили эса шубҳасиздир.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Оналарга хосдир меҳру мурувват.....	5
Болдан ширин болажонлар.....	11
Бола соғлиги – она бойлиги.....	15
Маънавият – фарзандлар камолотининг гултожи.....	19
Доно бўлса онаси – оқил бўлар боласи.....	21
Ўзбекистон – бахтиёр оналар ва истиқболи порлоқ болалар диёри (Хулоса ўрнида).....	23

Ўқуббекова Мунаввара Муҳаммедовна

Онаю бола – гулу лола

Тошкент – 2016

Босишга 26.10.2016 йилда рухсат этилди.

Бичими 60x84¹/₁₆.

Ҳажми 1,6 босма табоқ.

Адади 100 нусха.

58-буюртма

«SIRIUS-MEDIA» МЧЖ да чоп этилди.

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 4- уй.